BIZNES Daily

БИРЖА

Иқтисодий газета
Экономическая газета

№51 (2526)

Ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Сешанба, 2019 йил 7 май
Вторник, 7 мая 2019 года

www.biznes-daily.uz

Парламент ҳаёти

ДЕПУТАТЛАР НЕГА ЭЪТИРОЗ БИЛДИРИШДИ? 2

Жамият

КЎП КВАРТИРАЛИ УЙЛАР ҚАНДАЙ БОШҚАРИЛИШИ КЕРАК? 3

Муаммо

ЎТТИЗ УЧ ОЙЛИК МОЖАРО 4, 12

КРЕДИТ – ЁШ ТАДБИРКОРГА МАДАД

Президентимизнинг 2018 йил 27 июндаги “Yoshlar – kelajagimiz” давлат дастури тўғрисида”ги фармонига асосан, Фарғона вилоятида ажратилган кредитлар мақсадли сарфланмоқда.

Хусусан, Марғилон шаҳрининг Надирмат маҳалласи ҳудудида “AVTO TRANS TEX SAVDO” хусусий корхонаси ташкил этиш ва иситиш қозонлари, ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун 500 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратилди. Кредит эвазига замонавий дастгоҳлар келтирилиб, янги иш ўринлари ташкил этилди. Халқаро стандарт ва меъёрлар талабига жавоб берадиган иситиш печлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

– Бу йил кўмир, газ ва электр энергияси билан ишлайдиган 300 дан ортиқ иситиш қозонини харидорларга етказиб беришни режалаштирганмиз, – дейди корхона раҳбари Мансуржон Тиллаев. – Буюртма асосида иситиш тизимини лойиҳалаш, монтаж қилиш ва таъмирлаш хизматларини ҳам бажариб келмоқдамиз. Жорий йилда умумтаълим мактаблари, мактабгача таълим муассасалари, лицей, тиббиёт муассасалари ва бошқа халқ хўжалиги тармоқларига иситиш қозонлари етказиб бериш бўйича шартномалар туздик.

Суратда: “AVTO TRANS TEX SAVDO” хусусий корхонасида.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.

Бўш турган 12 та давлат мулки объекти сотилди

Жорий йилнинг 29 апрель – 3 май кунлари “Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш маркази” ДУК томонидан ташкиллаштирилган электрон онлайн-аукцион савдоларда бошланғич баҳоси 1 сўмга тенг қийматдаги бўш турган 12 та давлат мулки объекти сотилди.

Масалан, Бухоро вилояти, Қоровулбозор тумани, Навбаҳор МФЙ, Қўриқтепа қишлоғида жойлашган, умумий ер майдони 1,07 гектарга тенг бўлган, 112 млн. сўмга сотилган бино бўйича аукцион ғолиби 1 йил ичида 1 400 млн. сўм инвестиция киритиш ҳамда 15 та иш ўрни яратиш мажбуриятини қабул қилди.

Қашқадарё вилояти, Қамаши тумани, Ўзбекистон Мустақиллиги кўчасида жойлашган, умумий ер майдони 1,45 гектарга тенг бўлган, 1 млн. сўмга сотилган бино бўйича аукцион ғолиби эса 1 йил ичида 4 000 млн. сўм инвестиция киритиш ҳамда 100 та иш ўрни яратиш мажбуриятини ўз зиммасига олди.

Ҳозиргача бўш турган 608 та давлат мулки объекти бошланғич баҳоси 1 сўмга тенг қийматда 394 млрд. 394 млн. сўмлик инвестиция киритиш ҳамда 7111 та янги иш ўрни яратиш шарти билан аукцион савдоларга чиқарилиб, шундан 463 таси 292 млрд. 581 млн. сўм инвестиция киритиш ва 5146 та янги иш жойи очиш шарти билан 15 млрд. 683 млн. сўмга сотилди.

Бугунги кунда савдода 145 та бўш турган давлат мулки объекти бор. Уларга 101 млрд. 813 млн. сўмлик инвестиция жалб қилиш, 1947 та янги иш ўрни барпо этиш кўзда тутилган.

Ўктам ТАШОВ,
“Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш маркази” ДУК бўлим бошлиғи.

Савдоларда 435 та битим қайд қилинди

Жорий йилнинг 29 апрель – 3 май кунлари “Тошкент” республика фонд биржаси савдоларида 30 та акциядорлик жамиятининг қимматли қоғозлари билан 435 та битим қайд қилинди.

Ҳафта давомидаги савдолар натижасида 25,4 млн. дона корпоратив қимматли қоғоз билан жами 1,55 млрд. сўмлик битимлар амалга оширилди.

Таҳлиллар жами савдо айланмасининг 33,6 фоизи иқтисодиётнинг қурилиш тармоғига мансуб жамиятлар, 32,1 фоизи саноат, 16,7 фоизи транспорт тармоғига мансуб жамиятлар ва 15,8 фоизи банклар қимматли қоғозлари билан амалга оширилган битимлардан иборат бўлганини кўрсатди.

Ҳафта давомида савдо айланмаси ҳажми энг юқори бўлган эмитент — “Qizilqumsement” акциядорлик жамияти қимматли қоғозлари билан амалга оширилган битимлар ҳафталик савдо айланмасининг 30,4 фоизини, “O’zmetkombinat” акциядорлик жамияти қимматли қоғозлари билан тузилган битимлар эса 27,2 фоизини ташкил этди.

Битимлар сони бўйича етакчиликни мазкур ҳафтада “O‘zsanoatqurilishbank” АТБ эгаллади, унинг 255 028 дона акцияси билан 62 та битим имзоланди. Ундан кейинги ўринлар эса “Qizilqumsement” АЖ (57 та битим), “Qo‘qon mexanika zavodi” АЖ (56 та битим) ва “Hamkorbank” АТБ (56 та битим)га тегишли бўлди.

Йил бошидан буён “Тошкент” республика фонд биржасида 476,45 млн. дона корпоратив қимматли қоғоз билан умумий қиймати 72,12 млрд. сўм бўлган 14 450 та савдо битими қайд қилинган.

Азиз ТЎРАХЎЖАЕВ,
“Тошкент” РФБ бош мутахассиси.

Кўрсаткичлар ўсиш суръатида

Жорий йилнинг биринчи чорагида “ЎзРТХБ” акциядорлик жамияти умумий савдо айланмаси ҳажми 9 381,7 млрд. сўмни ташкил қилди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 61 фоиз ўсди.

Тадбиркорлар иштирокида тузилган битимларнинг умумий ҳажми ўтган йилнинг уч ойи билан солиштирганда 47,3 фоиз ошиб, 4 234,7 млрд. сўмдан иборат бўлди.

Биржа савдолари орқали тузилган битимлар ҳажмининг ўтган йилнинг биринчи чорагига нисбатан ўсиш суръати 53,6 фоизга етди. Сотувчи корхоналар савдолар давомида бозор нархлари шаклланиши эвазига 494,1 млрд. сўм қўшимча даромад олишга эришди.

Ҳисобот даврида электрон давлат харидлари бўйича 578,2 млрд. сўмлик битимлар тузилиб, маблағларнинг тежалиши 102,8 млрд. сўмни ташкил этди. Кўргазма–ярмарка савдоларида 299,1 млрд. сўмлик битимлар тузилди. Шунингдек, биржанинг онлайн аукционида 36,2 млрд. сўмлик 8 427 та авторақам сотилди, бунда битта битимнинг ўртача қиймати 4,3 млн. сўмни ташкил этди.

Биржанинг валюта савдо майдончаси ва кўргазма-ярмарка савдолари орқали 29,2 млн. АҚШ долларилик маҳсулотлар экспорт қилинди ва бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 24,7 фоиз кўпдир. Жумладан, биржа экспортининг таркибини пахта толаси (49,7 фоиз), полиэтилен (31,9 фоиз), нефть маҳсулотлари (14,5 фоиз) ва суюлтирилган газ (3,9 фоиз) каби товар позициялари эгаллади.

Биринчи чорак давомида биржага 469 та мурожаат, шу жумладан, 48 таси жисмоний шахслардан ва 421 таси юридик шахслардан келиб тушди. Бундан ташқари, биржанинг Call-маркази томонидан 13 117 та телефон қўнғироғи қабул қилинган ҳамда 212 та қўнғироқ ишонч телефони орқали келиб тушган. Мазкур мурожаатлар аниқ муддатларда ва сифатли ўрганилиб, кўтарилган масалалар бўйича қонунчилик доирасида тегишли ечимини топиш чоралари кўрилди.

Ўз мухбиримиз.

ДЕПУТАТЛАР НЕГА ЭЪТИРОЗ БИЛДИРИШДИ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси қизғин баҳс-мунозара асосида кўриб чиқилди.

Депутатлар томонидан бир қатор саволлар ўртага ташланди, фойдали фикр-мулоҳазалар билдирилди. Хусусан, **депутат Расул Кушербаев** ушбу қонун лойиҳасида кўрсатиб ўтилаётган Марказий банкнинг тижорат банкларидаги вакили институтини жорий қилиш масаласига эътироз билдирди. Депутат банкларда Марказий банк вакилининг бўлиши ва қонун орқали белгилаб қўйилиши молия муассасалари мустақиллигини таъминлаш йўлида тўсиқ бўлиб қолмайдими, умуман, бундай “янгилик”ни жорий қилишдан аввал жиддий ўйлаб кўриш лозим, дея ўз фикрини баён этди.

– Агар бу норманинг амалдаги қонунларимизга мувофиқлигини таҳлил қиладиган бўлсак, “Тадбиркорлик фаолиятининг эркинлиги тўғрисида”ги қонунга қанчалик мос келади, деган савол туғилади, – деди **депутат Бекзод Ортиқов.** – Ҳолбуки, мазкур қонунда давлат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашмаслиги кафолатланган. Қолаверса, вакилга қўйилаётган вазифалардан келиб чиқсак, ахборот-коммуникация технологиялари ривожланган бир пайтда вакилнинг муайян банкда ўтириши қанчалик тўғри? Биз “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги қонун лойиҳасини кўриб чиқиш жараёнида ҳам шу каби нормага дуч келдик. Бу борада халқаро тажрибани ўргандик, амалдаги қонун ҳужжатларини таҳлил қилдик ва ундан воз кечдик.

Марказий банк раисининг биринчи ўринбосари Тимур Ишметов депутатлар саволларига жавоб қайтариш асосида ўз мулоҳазаларини билдирди:

– Албатта, депутатларнинг саволлари ва эътирозлари ўринли. Бевосита саволга тўхталсак, Марказий банкнинг тижорат банкларидаги вакили институтини жорий этиш масаласи Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган. Мамлакатимизнинг халқаро ташкилотлар томонидан бериладиган суверен рейтинг кўрсаткичларини янада ошириш учун қиладиган энг асосий ишларимиздан бири молиявий барқарорликни сақлашга асос бўлувчи кучли молиявий регуляторни таъминлашдир. Халқаро ҳамжамиятнинг талаби ҳам ана шу. Масаланинг бошқа муҳим жиҳати ҳам бор, яъни тижорат банкларини бошқа турдаги тадбиркорлик субъектлари билан солиштириб бўлмайди. Масалан, ҳар қандай йирик тадбиркорлик субъекти, дейлик, қайсидир сабабларга кўра, банкротликка учрашини ўртаҳол банкнинг банкротлигини ва уларнинг оқибатларини солиштириб бўлмайди. Сабаби, ўртаҳол банк маблағининг аксарияти омонатчиларга ёки бошқа ташкилотларга тегишли. Молия муассасаси банкротга учраса, бу нафақат омонатчилар маблағларининг, балки бутун банк тизимига бўлган ишончнинг йўқолишига олиб келади. Мазкур ҳолатнинг иқтисодиётга қанчалик салбий таъсир кўрсатиши эса барчага аён. Яна бир масалага эътибор қаратиш лозим. Ислоҳотлар жараёнида иқтисодиёт қанчалик эркинлашса, ўз-ўзидан банк тизими, умуман, молия соҳасида хатарлар ортиб боради. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ҳар қандай молиявий регулятор ўз фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиши керак. Базель қўмитасининг банк назорати асосий тамойиллари ҳақидаги ҳужжати асосида жаҳондаги барча марказий банклар мана шундай назорат механизмини юритишади. Таъкидлаш керакки, Марказий банк вакили молия муассасасида ҳар куни, доимий равишда ишлайдиган вакил эмас. Фақатгина муайян банкнинг хатти-ҳаракати хавфли тус олганида, Марказий банк томонидан ўрнатилган нормативларга риоя қилмаётгани аниқлансагина, вакил ўша банк фаолиятини ўрганади. Вакилнинг тижорат банкининг хўжалик фаолиятига аралашиш билан боғлиқ ҳеч қандай ваколати бўлмайди.

– Айтмоқчиманки, қонун нормалари синчковлик билан ўйланган бўлиши керак, – дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси раиси Илҳом Абдуллаев.** – Хусусан, лойиҳада жамоатчилик назорати масаласига жиддий эътибор қаратиш лозим. Ҳолбуки, мазкур қонун лойиҳасида Марказий банкнинг фаолияти очиқлигини таъминлашга хизмат қилувчи бирорта ҳам норма йўқ. Тўғри, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонун бор, лекин Марказий банк давлат ҳокимияти ва бошқаруви органи ҳисобланмайди. Менимча, бу халқаро тажрибага ҳам тўғри келса-да, қонун лойиҳасида очиқликни таъминлашга хизмат қиладиган алоҳида бўлим бўлиши ва шунга асосан Марказий банк фаолиятига доир очиқ маълумотлар унинг расмий веб-сайтида мажбурий тартибда эълон қилиниши лозим. Яъни Марказий банк маблағларни қаердан оляпти, қаерга сарфлаяпти, фаолиятига доир брифинг, матбуот анжуманлари, конференциялар ва шу каби тадбирларни қандай ўтказяпти, деган саволларга жавоб бўлиши керак. Шу нуқтаи назардан, қонун лойиҳасига очиқлик тамойиллари асосида мазкур жараёнларни назорат қилишга имкон берувчи механизмларни киритишимиз мақсадга мувофиқ.

Ўз мухбиримиз.

МУҲОКАМА, ТАҲЛИЛ, ХУЛОСА ВА ЧОРАЛАР

Олий Мажлис Сенатининг ўн тўққизинчи ялпи мажлисида 23 та масала кўриб чиқилиб, 50 дан ортиқ маъруза тақдим этилди, сенаторларнинг 40 га яқин саволига тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари томонидан атрофлича жавоблар қайтарилди. Маъқулланган қонунлар ва қарорлар жамият ҳаётининг бир қатор соҳасини ҳуқуқий жиҳатдан янада мустаҳкамлашга, ислоҳотларнинг изчиллигини таъминлашга, халқаро ҳамкорликни кенгайтиришга, шунингдек, ҳудудлар ва баъзи тармоқларнинг ривожланиш ҳолатини таҳлил қилиш асосида аниқланган муаммоларни бартараф этишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Уларнинг айримлар ҳақида сенаторларнинг фикрларини келтирмоқчимиз.

Муаммолар сабаби нимада?

Рўзибой САИДОВ, Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари:

– Тошкент вилояти ҳокимининг ҳудудларни ривожлантириш ҳамда халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари фаолияти ҳақидаги ҳисоботининг таҳлили амалга оширилган ишлардан кўра бажарилиши лозим бўлган вазифалар кўплигини кўрсатди.

Мавжуд муаммоларни ҳал қилишга айрим вазирлик ва идоралар комплекс ёндашмагани туфайли бир қатор масалалар долзарб бўлиб турибди. Жумладан, Ташқи ишлар, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирликлари ҳамда маҳаллий ҳокимият органлари ҳамкорлиги етарлича самарали эмаслиги туфайли импорт ҳажмини камайтириш борасида сезиларли натижаларга ҳали эришилгани йўқ. Хусусан, 2018 йилда вилоятда экспорт ҳажми 1,6 млрд. АҚШ долларини, импорт кўлами 2,5 млрд. АҚШ долларини ташкил этган. Коммунал хизматларга оид масалалар йиллар давомида ўз ечимини топмаётгани вилоят аҳолисини ташвишга солаётган муаммолардандир. Жумладан, туман марказларидан олис ҳудудларда жойлашган кўп қаватли уйларнинг 46 фоизида иситиш тизимлари ишдан чиққан. Кўп қаватли уйлар хонадонларининг 80 фоизида иситиш батареялари тегишли тизимга уланмаган. Олмалиқ шаҳрини ривожлантиришга оид дастурда белгиланганига қарамай, ичимлик сув, газ, электр, иссиқлик таъминоти тизимини реконструкция ва модернизация қилиш, ички йўлларни таъмирлаш бўйича вазифалар ижроси тўлиқ таъминланмаган. Яна бир муаммо, чиқиндиларни тозалаш, олиб чиқиш ва қайта ишлашга оид хизматлар билан вилоят аҳолисининг 60 фоизи қамраб олинмаган. Чунки вилоят бўйича 150 дан зиёд чиқинди ташувчи махсус техника етишмаяпти. Чиқинди йиғиш учун полигонларни етарли даражада ташкил этиш, яъни улар учун махсус жойлар ажратиш ишлари пайсалга солиб келинмоқда.

Вилоятдаги 170 дан зиёд мактабнинг капитал таъмирга муҳтож бўлиб қолгани, мактабларда 550 нафарга яқин педагог-ходим етишмаслигини айнан Тошкент вилояти шароитида изоҳлаб бериш қийин. Айрим мутасадди тузилмаларнинг сусткашлиги оқибатида вилоятда мактабгача таълимни мукаммал даражада йўлга қўйиш борасида ҳам муаммолар кўзга ташланади. Хусусан, мактабгача таълим муассасаларини ташкил этиш мақсадида кредит олиш истагини билдирган 13 нафар талабгорга “Даврбанк” ва “Алоқабанк” томонидан имтиёзли кредитлар бериш пайсалга солинмоқда. Вилоят бўйича 15 минг 800 та бўш иш ўрни мавжудлиги эса ишга муҳтож фуқароларни жойлаштириш масаласига етарли даражада эътибор қаратилмаганидан далолатдир.

Тиббиётдаги ўткир муаммолардан бири вилоят касалхоналарининг тарқоқ жойлашувидир. Масалан, вилоят болалар шифохонаси энг чекка туманлардан 200 километргача узоқда. Юқоричирчиқ туманида жойлашган эндокринология марказига бориш учун аҳоли 150 километр масофани босиб ўтади. Вилоятдаги 247 та тиббиёт муассасасининг ярми таъмирга муҳтож бўлиб қолган. Буларнинг барчаси мансабдор шахслардан ҳар бир соҳа бўйича қўйилган вазифаларга масъулиятлироқ ёндашишни талаб қилади. Сенатнинг тегишли қарорида ҳудудни ривожлантиришга тўсиқ бўлиб турган шу каби камчиликларни бартараф этиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Нега парламент сўрови юборилди?

Турғун ИСКАНДАРОВ, Сенатнинг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси аъзоси:

– “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги қонуннинг ижросини ўрганиш бир қатор муаммолар борлигини кўрсатди. Биринчидан, республикамиздаги 200 та туман ва шаҳардан 142 тасида оқова сув тармоқлари мавжуд эмас. Иккинчидан, “Сувоқова” давлат унитар корхонасига қарашли оқова сув тозалаш иншоотлари эскирган. Оқибатда оқинди сувлар биологик ва кимёвий тозалашдан ўтказилмасдан очиқ сув ҳавзаларига оқизилмоқда. Энг ачинарлиси, бундай сувдан фермер ва деҳқон хўжаликлари экинларни суғориш, айрим аҳоли эса маиший эҳтиёжлар учун фойдаланмоқда. Учинчидан, “Сувоқова” ДУКга тегишли 22 та лабораториядан 5 таси фаолият кўрсатмаяпти, 17 таси эса техник-меъёрий талабларга жавоб бермайди. Бундан ташқари, республикамиздаги мавжуд оқова сув тозалаш иншоотлари тегишли тарзда ишлашининг назорати йўлга қўйилмаган. Бундай иншоотларни таъмирлаш-тиклашни ўз вақтида бажаришга оид қоида ва муддатларга риоя этилмаяпти. Шунингдек, мутасадди идоралар томонидан аҳоли пунктларида канализация тизимларини қуриш, мавжуд ҳамда барпо этилаётган уйларни уларга улаш масаласига етарлича эътибор қаратилмаяпти. Қолаверса, ҳудудлардаги маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг яроқсиз ҳолга келиб қолган объектларни қайта тиклаш учун хорижий инвестицияларни жалб қилиш, давлат-хусусий шериклик асосида молиялаштириш манбаини топиш борасидаги фаолияти талабга жавоб бермайди.

Буларнинг барчаси аҳоли турмуш тарзи ва соғлиғига бевосита салбий таъсир қилиши ва масаланинг долзарблиги инобатга олиниб, Бош вазирнинг биринчи ўринбосарига сув объектларига оқинди сувларни оқизиш билан боғлиқ муаммолар юзасидан парламент сўровини юбориш қарорига келинди.

Замира ТОЖИЕВА.

Бугунги кунда мамлакатимиздаги молия муассасалари аҳоли фаровонлиги ва бандлигини таъминлашда муҳим ўрин тутаётган хусусий секторни молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Ажратилаётган кредитлар одамларни тадбиркорликка жалб қилиш, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, кичик бизнес субъектларининг бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ҳисобига янги иш ўринлари яратиш ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга хизмат қилмоқда.

“Қишлоққурилишбанк” акциядорлик тижорат банки томонидан ҳам мазкур йўналишда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг биринчи чораги мобайнида кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 330,7 млрд. сўмдан ортиқ кредитлар йўналтирилганлиги фикримизнинг далилидир. Молиявий муассаса филиаллари томонидан ўтган даврда аҳолининг фаол қисмига ўз бизнесини йўлга қўйиши учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида ажратилган микрокредитлар миқдори 69,9 млрд. сўмни ташкил этди.

МАҚСАД – АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИГА ЭРИШИШ

Республикамиз ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида хотин-қизларнинг тўлақонли иштирокини таъминлаш, тадбиркор аёлларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида берилган кредитлар миқдори эса 12,0 млрд. сўмдан иборат бўлди. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун йўналтирилган кредитлар миқдори 68,8 млрд. сўмга тенг бўлди. Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш мақсадида банк томонидан 6 589 та фуқарога жами 150,3 млрд. сўм миқдорида имтиёзли микрокредитлар ажратилди. Шу билан бирга, аҳоли яшаш шароитини яхшилаш мақсадида жорий йилнинг ўтган уч ойи мобайнида 3 779 та фуқарога 38,5 млрд. сўмдан ортиқ истеъмол кредитлари ажратилди.

Бундан ташқари, ўтган йилнинг тўртинчи чораги давомида 3673,9 млн. сўм миқдорида овердрафт, микроқарз ва истеъмол кредитлар ажратилган. Шунингдек, банк филиаллари томонидан жисмоний шахсларга жами 27,2 млрд.сўмлик 299 та автокредит ажратилди.

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида “Қишлоққурилишбанк” акциядорик тижорат банки томонидан “Инвестицияларни фаол жалб қилиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар” мавзусида уюштирилган матбуот анжуманида мутасаддилар юқоридаги рақамларни келтириб, ҳисобот беришди. Оммавий ахборот воситалари вакиллари учун ташкил этилган тадбирда банкнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини молиявий қўллаб-қувватлашдаги иштироки, мазкур йўналишда эришилаётган натижалар ва галдаги вазифалар тўғрисида батафсил маълумотлар келтириб ўтилди.

Матбуот анжуманида кичик бизнес субъектларини молиялаштириш соҳасида хорижий молия институтлари маблағлари ҳисобидан ажратилаётган кредитлар ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. Жумладан, Жаҳон банки гуруҳига кирувчи Халқаро тараққиёт уюшмаси ҳамда Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкининг чорвачилик, шунингдек, мева-сабзавотчилик йўналишидаги жами 34,0 млн. АҚШ доллари миқдоридаги кредит линиялари тўлиқ ўзлаштирилишига эришилди. Хитойнинг Экспорт-импорт банки томонидан ажратилган 20,0 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағлар эса истиқболли лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилди. Банк мижозларининг қисқа муддатли кредитларга бўлган талабини қондириш мақсадида Россиянинг “АК-БАРС” банкининг савдони молиялаштириш йўналишидаги 2,3 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағларидан фойдаланилди.

Тадбир якунида “Қишлоққурилишбанк” акциядорик тижорат банки томонидан амалга оширилиши кўзда тутилаётган истиқболли лойиҳалар, амалиётга татбиқ этилажак янги хизматлар, банк фаолиятининг келгусидаги асосий йўналишлари бўйича журналистларни қизиқтирган саволларга ҳам атрофлича жавоблар қайтарилди.

Ҳосил КАРИМОВ.

КЎП КВАРТИРАЛИ УЙЛАР ҚАНДАЙ БОШҚАРИЛИШИ КЕРАК?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида бир қатор долзарб қонун лойиҳалари биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Жумладан, “Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси тўғрисида”ги қонун лойиҳасида Ҳисоб палатасининг асосий вазифалари ва функциялари, шунингдек, уларни амалга ошириш механизмлари, палата раиси, унинг ўринбосарларининг ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб берилмоқда. Лойиҳада Ҳисоб палатасига юклатилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида палата билан давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотлар ўртасида маълумот алмашинуви, шу жумладан, электрон шаклдаги маълумот алмашинуви борасидаги ўзаро

ҳамкорлик тартиби баён этилган. Бундан ташқари, давлатнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида лойиҳада Ҳисоб палатасига бюджет ва смета-штат интизомининг бузилишида айбдор бўлган масъул шахсларни белгиланган тартибда маъмурий жавобгарликка тортишни сўраб, судга мурожаат қилиш ҳуқуқи қайд этилмоқда. Халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда, Ҳисоб палатаси фаолиятини, шунингдек, у томонидан амалга ошириладиган ташқи аудит ва молиявий назоратни йўлга қўйиш мақсадида Ҳисоб палатаси стандартларини белгилаш таклиф этилмоқда.

Пул-кредит сиёсатини либераллаштириш, соҳа фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган “Валютани тартибга солиш ва валютани назорат қилиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳозирда мавжуд бўлган шу номдаги қонундан тубдан фарқланиб, амалиётда учрайдиган деярли барча валюта операциялари турларини амалга ошириш тартибини белгилайди.

“Кўп квартирали уйларни бошқариш тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг биринчи ўқишдаги муҳокамаси жуда қизғин кечди. Мамлакатимизда ҳозир кўп квартирали уйлар уй-жой мулкдорлари ширкати томонидан бошқарилади. Бугунги кунгача улар фаолиятини тартибга соладиган қонунларнинг амалий ижросини ўрганишлар кўп квартирали уйларни сақлашга доир муносабатларни ширкатлардан ташқари бошқа тузилмалар ҳам турли усуллар орқали бошқариши, айнан шундай аралашувларга чек қўйиш масаласида қонун ҳужжатларида камчиликлар мавжудлигини кўрсатган. Шу муносабат билан кўп квартирали уйлар бошқарувига мутасаддилик қилиш фаолиятини тартибга солишни назарда тутувчи аниқ қоидалардан иборат ушбу қонун лойиҳасини ишлаб чиқишга қарор қилинди. Лойиҳа билан кўп квартирали уйлардаги умумий мол-мулкни бошқариш муносабатларини тартибга солиш, бошқарув шакллари, бошқарув органларининг ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятлари белгиланмоқда. Уларни тузиш, фаолият юритиши, шунингдек, давлат бошқаруви ва назорат органлари билан ўзаро муносабатларини тартибга солиш назарда тутилмоқда.

Ўз мухбиримиз.

ЎҚУВ КЛУБИ ФАОЛИЯТИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Бугун шаҳар-қишлоқларимиз кўчаларида кеча-ю кундуз тинимсиз қатнаётган турли русумли сон-саноқсиз автомобилларни кўриб, кўз қувонади. Уларнинг аксарияти ўзимизда ишлаб чиқарилган. Ҳайдовчиларга ҳам қойил қолмай илож йўқ. Йўллар қанчалик тирбанд бўлмасин, улар машиналарни йўл ҳаракати қоидалари асосида бошқаришни яхши уддалашади.

Мен ҳар сафар бундай манзараларни кузатар эканман, беихтиёр ўзим бошчилик қилаётган ўқув спорт-техника клубини кўз ўнгимга келтираман. У аҳоли зич яшайдиган ҳудудда жойлашган ва қишлоқларга яқин. Бу автомашина бошқариш ҳуқуқига эга бўлишни истовчилар ва клубимиз аъзолари кўпайишига хизмат қилмоқда.

Ўтган йил 21 майда Вазирлар Маҳкамасининг “Автотранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш бўйича нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинган эди. Биз шу асосда клубимиз ўқув хоналарини, спорт майдончаси ва секцияларини, бошқа зарур иншоотларни қайта жиҳозладик. Интерактив доска, кузатув камералари, овоз ёзиш ускуналари ўрнатдик. Шу тариқа ҳайдовчиликка талабгорлар сони ошишига эришдик. Клубимиз тасарруфидаги автомашиналарга эса малакали ҳайдовчиларни бириктирганмиз. Туман ва вилоят миқёсида ўтказиладиган спорт мусобақаларида иштирок этаяпмиз.

Бизда ўқиб, ҳайдовчилик гувоҳномаси олмоқчи бўлганларга талабимиз оддийгина. Яъни тўлов бадалининг 30 фоизи олдиндан амалга оширилади. Қолгани ўқиш давомида тўлаб борилади. Машғулотлар малакали мутахассислар томонидан ташкил этилади. Бўлажак ҳайдовчиларни тайёрлашда устоз-мураббийлар Иброҳим Ғуломов, Қўлдош Қурбонов ва бошқа малакали ҳайдовчиларнинг ҳиссалари катта бўлмоқда.

Жамоамиз кам таъминлаган оилалар, ногиронлиги бўлган фуқаролар, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, уруш қатнашчилари ҳолидан ҳам тез-тез хабар олиб турибди. Жумладан, Наврўз байрами арафасида ҳудудимиздаги бир нечта кам таъминланган оилага совға-саломлар уюштирдик. 9 май – Хотира ва қадрлаш куни арафасида ҳам шунга ўхшаш тадбирлар ўтказишни режалаштираяпмиз.

Нажмиддин ҲИКМАТОВ,
Мудофаага кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилотининг Самарқанд туманидаги “Ғалаба” ўқув спорт-техника клуби бошлиғи.

Журналист суриштируви

ЎТТИЗ УЧ ОЙЛИК МОЖАРО

ёхуд дўконлари бузилган тошкентлик бир неча тадбиркор токайгача сарсон-саргардон бўлади?

БИР ЁНДА “БУЗ-БУЗ”, БИР ЁНДА “УЗ-УЗ”

Юртимизда кенг кўламли бунёдкорлик ишлари тобора қизғин тус олмоқда. Таъбир жоиз бўлса, мамлакатимиз ҳудуди том маънода улкан қурилишлар майдонига айланмоқда. Шу асно эскириб, абгор ва яроқсиз ҳолга келиб қолган ёки давр талабларига жавоб бермай қўйган иморатлар ўрнига янгиларини барпо этишга ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Шаҳарқишлоқларимизда гўзал-кўркам турар жойлар, замонавий ишлаб чиқариш корхоналари, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари жадал қад ростламоқда, кўнгилочар масканлар, саранжом-саришта маҳалла-гузарлар кўпаймоқда.

Албатта, биз бундан қувонишимиз ва фахрланишимиз керак. Айни чоғда, эл-улуснинг кўз ўнгида рўй бераётган, ҳамма кўриб-билиб турган аччиқ бир ҳақиқатни рўй-рост тан олишимиз шарт. У ҳам бўлса, бинокорликлар жараёнида гоҳо одамлар дилини оғритувчи, ҳақли эътирозлар туғдирувчи кутилмаган нохушликлар содир бўлмоқда. Баъзи уйлар эгаларининг розилиги олинмай ва олдиндан огоҳлантирилмай дафъатан қўпориб ташланаяпти ёки мутахассислар хулосаси ва суд қарорисиз, кимларнингдир оғзаки буйруғи билан вайронага айлантирилаяпти. Бинойидек фаолият юритиб келаётган тадбиркорлик объектлари шаҳарсозлик ҳолати ва меъморий талаблар ўзгаргани баҳонасида бир зумда кунпаякун қилинаяпти.

Энг ачинарлиси, бу ишлар баъзан кўчишлар адоғига етмасидан, худди ёв қувгандай, шошма-шошарлик билан пала-партиш бошлаб юборилаяпти, ҳали одамлар яшаётган ёки ишлаётган бинолар газ, сув, иссиқлик ҳамда электр энергияси таъминотидан эрта узиб қўйилаяпти. Ўлганнинг устига тепгандай, узоқ вақт умргузаронлик қилган “ўлан тўшаги”дан, тадбиркорлик билан шуғулланган маконидан мосуво бўлганларга ўша мулкига мутаносиб товон пули тўлаш ёхуд ўрнига бошқа бошпана, бино-иншоот бериш, жилла қурса, янгисини қуриб олиши учун етарли маблағ ёки ер ажратиш аксарият ҳолларда пайсалга солинаяпти.

Шубҳасиз, ура-урачилик қабилидаги “буз-буз”лар ва бемаврид “уз-уз”лар айрим амалдорларнинг жамоатчилик фикрини назарга илмасликлари, уйи ёки дўконидан ажралганар тақдирига қизиқмасликлари туфайли келиб чиқмоқда. Чунки улар бемаврид азият чекаётганлар талабини қондиришни эмас, янги иншоотларни тезроқ битиришни биринчи галдаги вазифа ҳисоблашмоқда. Юқоридан бир чимдим мақтов эшитиш илинжида бошқаларни қийин аҳволга солиб қўйишдан, қаернидир обод қиламан деб, не-не кўнгилларни барбод қилишдан ҳайиқишмаяпти. Етти ёт бегоналаргаям ёмонликни раво кўрмайдиган, ҳатто қушнинг уясини бузишни ҳам ўзи учун ор деб биладиган меҳр-оқибатли миллатимиз шаънига доғ туширишдан тап тортишмаяпти.

Биласиз, Президентимиз бизнинг энг олий мақсадимиз халқ ҳаётдан рози бўлиб яшашига эришиш эканлигини бот-бот уқтираяпти. Тепадагилар олиб ташланаётганига қарамай, пастда ўтирганлар одамларни қаттиқ ранжитаётганини куюниб, очиқ-ошкора айтаяпти. Айни ҳолатларга, чунончи, тадбиркорларга ер ажратиш ва қурилишга рухсат бериш жараёнидаги қинғирликларга қатъий чек қўйишни талаб қилаяпти. Бизнес омбудсманни тадбиркорлар манфаати учун курашишга, бу масалада жар солишга чорлаяпти.

Ана шундай бир вазиятда баъзи маҳаллий мансабдорлар хатоларини тан олиб, тўғрилаш ўрнига аксинча йўл тутишаяпти. Албатта, бундай кўргуликка дабдурустдан йўлиққанлар ҳам мум тишлаб ўтиришгани йўқ. Топталган ҳуқуқларини тиклашга интилишаяпти, ёрдам сўраб, нуфузли идоралар эшигини қоқишаяпти. Эвазига гоҳида масъулиятсизлик ва сансалорликка, тўрачилик ва кўзбўямачиликка рўбарў келиб, аввалгидан-да баттарроқ изтироб чекишмоқда. Шаҳри азим Тошкентда рўй берган қуйидаги воқеа бунга яққол мисол бўлади.

ЧАЛА ИШ КЕЛТИРГАН ТАШВИШ

Учтепалик бинокор Ғайбулла Султонов пенсияга чиққач, тадбиркорликка қўл урди. 2004 йили эзгу ниятда “Gaybullahoji” хусусий фирмасини ташкил этиб, “Эски Жўва” универсал бозори теграсидаги 158 квадрат метр ерда дўкон очди. Унда миллий либослар ва сопол идишлар сотишни йўлга қўйди.

Отахон 2009 йили оламдан ўтди. Фирма ишини рафиқаси – биринчи гуруҳ ногирони Ҳамида опа ва меросхўр қизи Дилафрўз давом эттирди. Улар ҳожи бобо васиятларига риоя қилиб, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ҳар доим муддатида тўлашди. Бу дўкон ўзларининг ва икки нафар сотувчи оиласининг ягона даромад манбаи эканлигини мудом ёдда тутиб, савдони ҳалол юритишди. Кейинчалик фирмани хусусий корхонага айлантиришди.

Иттифоқ 2016 йил ёзида вазият илкис ўзгарди-ю, она-боланинг ороми йўқолди. Боиси, шаҳарнинг собиқ ҳокими Р.Усмонов 16 август куни “Ер майдонларида ободонлаштириш ва бузиш ишларини олиб бориш ҳақида”ги қарорга имзо чекди. Унга кўра, Шайхонтоҳур туманининг Навоий, Беруний шоҳкўчалари четида ва “Чорсу” буюм бозори ҳудудида жойлашган дўкон, омбор, дорихона, ошхона сингари ўттиздан зиёд иншоот қатори “Gaybullahoji”га қарашли шохобча ҳам бузилишга тушди.

Тўғри, қарорга Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган зарарни қоплаш тартиби тўғрисидаги низом ҳам асос қилиб олинганди. Мутасаддилар гарданига, аввало, кўчмас мулки бузиладиганларга етказилажак зарар тури ҳамда миқдорини аниқлаш ва қоплаш бўйича комиссия хулосасини олиш, сўнгра бузиш ишларига киришиш учун изн бериш, бўшаган майдонларни шаҳар ер фонди захирасига ўтказиш вазифаси юклатилганди. Илло ҳудудда янги дўконлар қурилиши ва тадбиркорлар фаолиятларини қаерда давом эттиришлари хусусида лом-мим дейилмаганди. Устига-устак, топшириқлар тўлиқ бажарилмади, зиён кўрган мулкдорларга сариқ чақаям тўланмади.

Қарабсизки, мол аччиғи жон аччиғига айланди. Жабрланувчилардан қай бирининг асаби чақнаб, соғлиғига путур етди, қай бирининг адолатга ишончи йўқолиб, ишдан кўнгли совиди. Вақт ўтгани сайин улар орасида норозилик кучайди. Бу машмашалар қарийб 8 ойга чўзилди.

Алқисса, 2017 йил 7 апрелда шаҳар ҳокимининг мазкур масалага оид навбатдаги қарори қабул қилинди. Унда 35 та объектни бузиш ҳисобига, автотураргоҳлар очиш шарти билан ва эгалари тасдиқлаган лойиҳа асосида замонавий савдо ҳамда маиший хизмат кўрсатиш мажмуаларини ўзаро уйғунликда қуришга рухсат берилди. Туман ҳокимлиги бу юмушларни тадбиркорлар ҳамкорлигида олиб бориши, уларга ер майдонларини бузилган бино-иншоотлари ҳажмига мувофиқ тақсимлаб бериши зарурлиги кўрсатилди.

Хуллас, бир қарашда хато тузатилгандай, ҳаммаси из-изига тушгандай эди. Амалда-чи?..

“ЎЙИН”ДАН ЧИҚАРИЛГАН ТАДБИРКОР АЁЛ ҲАСРАТИ

– Амалда бу топшириқ ҳам ижобат топмади, – дейди Ҳамида Султонова ўкинч ила. – Чунки масъуллар аросатда қолганимизни, аҳволимиз чатоқлигини кўра-била туриб, бизга мададкор бўлишмади. Аниқроғи, “Дўконларни ўз пулингизга ўзингиз барпо этасиз!” дейишдан нариги ўтишмади. Сал ўтмай, уларнинг тавсияси билан бу ишларга бош-қош бўладиган масъулияти чекланган жамият тузилди. Янги иншоот учун Беруний кўчасининг катта бозорга бақамти қисмидан – собиқ “Чорсу” меҳмонхонаси рўпарасидан 70 сотих ер танланди.

МЧЖ директори 60 ёшларни қоралаган киши экан. Унинг шотирлари мушкулимизни осонлаштиришга қуюқ ваъдалар бериб, биздан дам-бадам нақд пул йиға бошлашди. Дастлаб мен ҳам уларга инондим. “Худо хоҳласа, ҳадемай, янги дўконга эга бўламан”, дея қувондим. Шу умидда чиқиндиларни ташишга 1,2 миллион, мажмуа лойиҳаси чизмасини тайёрлашга 300 минг, бехос кўтарилган ерости сувини тортадиган дренаж қуришга 10 миллион сўм тўладим. Аммо менга лойиҳа нусхасини, бўлғуси шохобчам ўрнини кўрсатишмади, лоақал пул топширганимни тасдиқловчи ҳужжат ҳам беришмади.

Кейинги сухбат чоғи улар талабни тағин-да каттароқ қўйишди. Қурилажак дўкон учун 25 миллион сўм беришим шартлигини айтишди. Менда бунча ақча йўқ эди. Негаки, отинг ўчгур “снос”нинг касофати уриб, савдо-сотиғим аллақачон касодга учраган, тирикчилигим пенсия пулим ва кўрпа-тўшак тикиб топаётган даромадим ҳисобига ўтаётганди. Қолаверса, шу пайтгача лафзларида туришмагани туфайли пул йиғарлардан гумонсирай бошлагандим. Борди-ю, 25 миллион сўм тўласам, уни ҳам шунчаки ёндафтарга ёзиб қўйишларини эшитгач, ҳафсалам бутунлай пир бўлди. Бу кетишда бир кунмас-бир кун алдовларга чув тушиб қолишдан ҳадиксираб, ножўя талабга бўйсунишдан бош тортдим. Олдин берган пулларимиз нималарга сарфланганини сўрагандим, балога қолдим. Ўғлимдан ҳам кичик йигитлардан куракда турмайдиган ҳақоратлар ва таъна-дашномлар эшитдим. Улар 10 миллион сўмимни бақир-чақир аралаш қайтараётиб, “ўйин”дан чиқарилганимни тантанавор эълон қилишди.

Шунда мен ҳокимликдагилар қурилиш жиловини тўла-тўкис бировлар қўлига тутқазиб қўйишганига, тикланадиган мажмуанинг асл эгалари биз эмас, билъакс, ўзлари истаган йўсинда пул йиғадиган, шартларига кўнмаганларни кўчага ҳайдайдиган зўравон “ўйин”чилар эканига ишонч ҳосил қилдим. Ўйлай-ўйлай, ахийри бу ҳақда масъул ташкилот-идораларга мурожаат этишни лозим топдим...

АЖАБТОВУР “ЙИҒ-ЙИҒ”ЛАР ВА АНТИҚА ОГОҲЛАНТИРИШЛАР

Эҳтимол, сиз жисми хаста, кўнгли яримта Ҳамида опанинг гапларини ёлғон дерсиз. Эҳтимол, уларни узоқ вақт корига яраб келган дўкони бузилганидан хафа аёлнинг бетизгин эҳтиросларига йўярсиз. Мен эса куни кеча умрининг 72-баҳорини қаршилаган онахоннинг бировга туҳмат қилиб, нуфузли идоралар мулозимлари фикрини чалғитишга ишонмайман. Давомини суриштирсангиз, унинг қўлида ҳақлигини исботловчи далиллар бор. Шулардан бири МЧЖдан келган огоҳлантиришномадир. Унга корхона муҳри урилган, раҳбари имзоси қўйилган. Лекин рақами ва санаси кўрсатилмаган, зарурий маълумотлар келтирилмаган. Мухтасар мазмуни эса қуйидагича: ***“Қурилиш ишларида қатнашмаслик ва моддий ёрдам кўрсатмаслик савдо мажмуасидан жой ажратмасликка асос бўлади”.***

Табиийки, Ҳамида Султонова ҳам бўш келмайди. МЧЖ директорига мактуб битиб, у банкдаги ҳисоб рақамини берса, кўмагини аямаслигини билдиради. Шунингдек, олдин тўлаган пули қайси манбада қайд этилганини сўрайди. Сўрайди-ю, барибир, тайинли жавоб ололмайди.

Хўш, энди ўзингиз холисона айтинг-чи, бу қанақаси? Тадбиркорлардан шу зайл жуда кўп миқдорда нақд пул йиғиш, бузилган иншооти ер майдони тиклаб бериладиган корхоналар рўйхатига киритилган дўкон соҳибасига ўдағайлаш ва ўз билгиларича уни мулкдорлар сафидан бадарға қилиш учун МЧЖ “хўжайинлари”га ким, қандай ҳуқуқ берган? Ёки бу шахслар ҳаммадан кучлими? Жорий қонунлар, фармон ва қарорлар улар учун бир пулми?

Йўқ, андак шошманг, бу билан мен МЧЖ тадбиркорлар бошини қовуштириб, фаолиятини қайта тиклашга ёрдамлашиш учун тузилганини инкор этмоқчи эмасман. Фақат иккита тартиб-қоидани эслатмоқчиман: аввало, мақсад-вазифаси нималигидан қатъи назар, жамият раҳбарияти ўртасарсон тадбиркорлардан маблағ йиғишни қонунан амалга ошириши, топширилган барча пуллар учун чек, патта, тилхат каби бирорта ҳужжат бериши, вақти-вақти билан мулкдорларни тўпланган сармоялар нималарга сарфланганидан хабардор қилиб бориши шарт эди! Ана шунда онахон улардан шубҳаланмасди, ортиқча гап-сўз кўпаймасди. Иккинчидан, бизда хусусий мулк дахлсиз саналади. Бу тамойил Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилган. Бинобарин, алланечук шартлар ўйлаб топиб, мулкдорни камситишга ҳеч кимнинг ҳеч қандай ҳақи йўқ!

Масалага шу жиҳатдан ёндашсак, Ҳамида опанинг даъволарида жон борлиги, МЧЖ корчалонлари унга нисбатан қўрслик қилишгани ўз-ўзидан аён бўлади. Модомики, шундай экан, ҳокимлик вакиллари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа органлар ходимлари қаёққа қарашди? Улар нега тадбиркорлардан моддий ёрдам сифатида олинган пуллар қайси ҳисоб рақамига тушганини, қанчаси, қачон ва қай мақсадда ишлатилганини текширишмади? Нега ким ҳақ-ким ноҳақлигига ойдинлик киритиб, миш-мишларга иссиғида чек қўйишмади? Ёки бировнинг азасида ўйинга тушишни эслатувчи бу можаролардан огоҳ топишмаганми?..

Бундай десак, шубҳасиз, ҳақиқатдан кўз юмиб, оқни қорага, қорани оққа айлантирган бўламиз!

МЕН НИМА ДЕЙМАНУ ҚЎБИЗИМ НИМА ДЕЙДИ?

Ҳамида опа ўтган давр мобайнида бузилган дўкони бадалига пул ёки ер ололмаётгани ва ўзи гувоҳ бўлган “йиғ-йиғ”лар тўғрисида қатор идораларга шикоят ёзди. Унинг арзлари биргина прокуратура органлари томонидан тўрт марта ўрганилиб, натижаси маълум қилинди. Хусусан, Шайхонтоҳур тумани прокуратураси раҳбарияти 2017 йил 23 августда ва 2018 йил 28 августда жавоб йўллади. Икки томчи сувдек ўзаро ўхшаш бу хатларда аввал шаҳар ҳокимининг 2017 йил 7 апрелдаги қарори мазмуни, бино-иншооти бузилганларга қурилиш майдонлари қай тахлит ажратилиши ҳақида сўз юритилади. Сўнгра муаллифга компенсация пулини ундириш ёки бошқа ҳудуддан ер олиш, бузилган ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини тиклаш масаласида судга мурожаат қилиши мумкинлиги тушунтирилади, тамом-вассалом!

Худди шундай гаплар шаҳар прокуратураси онахонга бултур 29 сентябрда юборган расмий жавобда ҳам такрорланган. Қўшимча равишда, савдо объектини қураётган МЧЖ раҳбарияти 18 августда “Gaybullahoji” дўкони эгасига ***ушбу қурилишда қатнашиб, моддий ёрдам кўрсатган тақдирда унга мажмуадан дўкон ажратилишини*** маълум қилгани баён этилган. Бироқ МЧЖнинг бу йўналишдаги фаолиятига ҳуқуқий баҳо берилмаган. Қизиғи, айнан ўша жавоб 56 кундан сўнг қайта кўчирилиб, онахонга унинг Президентга такрорий мурожаати кўриб чиқилгани бўйича хулоса сифатида жўнатилган. Ягона фарқи – матннинг икки банди, чунончи, дўкон ажратиш шартлари тўғрисидаги жумла қисқартирилган.

Ҳамида опа Давлат солиқ қўмитаси раҳбарияти 2018 йил арафасида уюштирган сайёр қабулда ҳам дардини тўкиб солади. Унинг шикояти тегишли ташкилотлар эътиборига ҳавола этилади. Бунга жавобан шаҳар Бинолардан фойдаланиш департаменти ходимлари ғалати йўл тутишади. Дебочасига солиқ инспекциясига “Gaybullahoji” ХКнинг бузилган дўкони ер майдони шаҳар ҳокимининг 2017 йил 7 апрел-

Давоми 12-бетда.

ТРЕНИНГ ДЛЯ ФЕРМЕРОВ

На сегодняшний день в Узбекистане уделяется большое внимание совершенствованию плодоовощной отрасли, включая увеличение посевных площадей, а также расширению возможностей для хранения и переработки выращенной продукции.

Ведущая мировая практика в области развития сельскохозяйственных цепочек добавленной стоимости показала необходимость в создании и дальнейшем укреплении кооперации между фермерами и производителями. В Узбекистане, где в секторе сельского хозяйства, особенно садоводства, в основном преобладают дехкане и домохозяйства, создание сельскохозяйственных кооперативов расширит их финансовые и производственные возможности.

В рамках проекта «Устойчивое развитие сельской местности в Узбекистане», софинансируемого Европейским Союзом, в 2018 году было создано четыре фермерских кооператива в Наманганской, Джизакской, Андижанской и Сырдарьинской областях.

Принимая во внимание, что такой подход как кооперационное объединение, является достаточно новым для Узбекистана, среди фермеров, а также сельскохозяйственных учреждений существует нехватка знаний о принципах управления и развития кооперативов. С целью поддержать инициативу государства и укрепить потенциал созданных кооперативов в рамках вышеуказанного проекта был организован тренинг по управлению и производственной деятельности кооперативов для фермеров, членов кооперативов, а также сотрудников сельскохозяйственных учреждений. Данный тренинг, предусматривающий несколько этапов, организован Французским агентством по развитию международного сотрудничества в области сельского хозяйства, продовольствия и развития сельской местности (ADECIA) и проводится международным экспертом в области управления фермерскими кооперативами Жаки Рике.

Первый этап тренинга прошел в марте 2019 года и был посвящен основам концепции и принципам работы кооперативов. Также отдельная презентация была организована для сотрудников Министерства сельского хозяйства Республики Узбекистан. Начиная с 20 апреля текущего года следующий этап тренинга на такие темы, как коммуникация, ведение переговоров и контракты, проходил в Сырдарьинской и Андижанской областях при участии фермеров, членов кооператива из Джизакской и Наманганской областей. Следующий тренинг запланирован на июнь 2019 года.

Проект «Устойчивое развитие сельской местности в Узбекистане», софинансируемый Европейским Союзом, реализуется Германским обществом по международному сотрудничеству (GIZ), Французским агентством по развитию международного сотрудничества в области сельского хозяйства, продовольствия и развития сельской местности (ADECIA), Ассоциацией животноводов Италии (AIA) и Центром по предпринимательству и развитию Болгарии (CEED).

Свою деятельность проект начал в 2016 году при содействии Министерства экономики и промышленности Республики Узбекистан, которое является основным партнером. Проект работает по таким направлениям, как развитие цепочки добавленной стоимости картофелеводства, садоводства и животноводства и реализует мероприятия в Сырдарьинской, Кашкадарьинской, Джизакской областях, а также в Ферганской долине.

Также проект работает над институциональным развитием и совершенствованием потенциала областных и местных органов власти по направлению планирования регионального развития.

На сегодняшний день в рамках проекта было инициировано создание следующих сельскохозяйственных кооперативов:

- кооператив производителей и переработчиков граната «Dehqonobod Asl Anori» с 30 членами в Сырдарьинской области;
- кооператив производителей фруктов «Baxmal Meva» с 25 членами в Джизакской области;
- кооператив производителей и переработчиков фруктов «Valley Fruits» с 15 членами в Наманганской области;
- кооператив производителей картофеля «Innovation Agro Servis» с 5 членами в Андижанской области.

Кроме этого, в Сырдарьинской, Джизакской, Наманганской, Андижанской и Кашкадарьинской областях в рамках проекта были созданы демонстрационные фруктовые сады, питомники, а также перерабатывающие объекты в целях передачи фермерам и производителям фруктов ноу-хау и технологий Европейского Союза в области развития агропродовольственных цепочек добавленной стоимости и расширении экспортного потенциала готовой продукции.

Рано ИСЛАМБЕКОВА,
специалист по связям с общественностью Германского общества по международному сотрудничеству.

ТРАМПЛИН В НАУКУ И КАРЬЕРУ

Стали известны итоги весенней серии Открытой международной студенческой интернет-олимпиады 2018-2019 учебного года по девяти предметам: физика, статистика, экономика, экология, теоретическая механика, сопротивление материалов, химия, математика и информатика. Здесь студенты филиала Российского государственного университета нефти и газа (НИУ) имени И.М. Губкина в городе Ташкенте завоевали 22 медали, которые станут для них лучшим трамплином в науку и карьеру.

О масштабности данной международной интернет-олимпиады свидетельствует количественная аудитория участников: 4951 студент из 203 вузов и филиалов вузов России, Казахстана, Кыргызстана, Таджикистана, Туркменистана, Узбекистана. Здесь во втором «олимпийском» круге участвовали 59 студентов филиала, завоевавших в итоге 22 медали.

Внушительная «копилка» наград стала своего рода наглядным подтверждением высокого уровня образовательной подготовки известного вуза – кузницы профессиональных кадров нефтегазовой отрасли Узбекистана. В частности, на счету филиала РГУ нефти и газа (НИУ) имени И.М. Губкина в городе Ташкенте три «золота», девять серебряных наград и 10 бронзовых.

